

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ,
РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ЭПИДЕМИОЛОГИЯ,
МИКРОБИОЛОГИЯ, ЮҚУМЛИ ВА ПАРАЗИТАР КАСАЛЛИКЛАР
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.30.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ЭПИДЕМИОЛОГИЯ,
МИКРОБИОЛОГИЯ, ЮҚУМЛИ ВА ПАРАЗИТАР КАСАЛЛИКЛАР
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИНИНГ ВИРУСОЛОГИЯ
ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

ИБАДУЛЛАЕВА НАРГИЗ САПИЕВНА

**SARS-CoV-2 НИНГ МОЛЕКУЛЯР-ГЕНЕТИК ТАВСИФИ ВА COVID-19
БАШОРАТИНИ БАҲОЛАШДА НОСТ ОМИЛЛАРНИНГ АҲАМИЯТИ**

03.00.04 – Микробиология ва вирусология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.3.DSc/Tib586 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Республика ихтисослаштирилган эпидемиология, микробиология, юқумли ва паразитар касалликлар илмий-амалий тиббиёт марказининг Вирусология илмий-тадқиқот институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tashmeduni.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Мусабаев Эркин Исакович
тиббиёт фанлари доктори, профессор, академик

Расмий оппонентлар:

Матназарова Гулбахор Султановна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Атабеков Нурмат Сатиниязович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Исмаилова Адолат Абдурахимовна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

«Виром» вирусли инфекциялар Федерал илмий-тадқиқот институти (Россия Федерацияси)

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат тиббиёт университети, Республика ихтисослаштирилган эпидемиология, микробиология, юқумли ва паразитар касалликлар илмий-амалий тиббиёт маркази ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.04/30.12.2019.Tib.30.01 рақамли илмий кенгаш асосидаги бир марталик Илмий кенгашнинг 2025 йил «___» _____ куни соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100151, Тошкент ш., Учтепа тумани, Заковат кўчаси, 2 А-уй. Тел: (+99871) 243-36-05.

Диссертация билан Тошкент давлат тиббиёт университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№___ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100109, Тошкент ш., Фаробий кўчаси, 2-уй. Тел/факс: (+99878) 150-78-14.

Диссертация автореферати 2025 йил «___» _____ куни тарқатилди.

(2025 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Л.Н. Туйчиев

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Н.У. Таджиева

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш илмий котиби,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Б.М. Таджиев

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш асосидаги бир марталик илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) 2020 йил январда SARS-CoV-2 нинг тарқалишини халқаро аҳамиятга молик фавқулодда ҳолат деб эълон қилди ва 2020 йил 11 мартда глобал эпидемияни COVID-19 пандемияси сифатида тавсифлади. Пандемия яқунланганидан икки йилдан ортиқ вақт ўтганига қарамай, COVID-19 касаллиги дунёнинг барча мамлакатлари учун глобал соғлиқни сақлаш муаммоси бўлиб қолмоқда. Ушбу муаммонинг долзарблиги, аввало, хавф гуруҳига кирувчи шахсларда касалликнинг оғир кечиши ва вируснинг давом этаётган мутациялари билан белгиланади. SARS-CoV-2 янги мутацияларининг пайдо бўлиши «...унинг тарқалишига, касалликнинг оғир кечишига ва иммунитетдан қочишга таъсир қилувчи...»¹ муҳим омиллардан бири бўлиб қолмоқда. Бу эса, мавжуд вакциналар ва даволаш ёндашувлари самарадорлигига салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Барча қайд этилган омиллар самарали ташхисот, даволаш ва эпидемияга қарши чораларни ишлаб чиқиш зарурлигини таъкидлайди.

Жаҳонда SARS-CoV-2 эволюцияси, COVID-19 касаллиги патогенези, хавф омилларини аниқлаш, касалликдан кейинги асоратларнинг олдини олиш, ташхисот, даволаш ҳамда профилактика усулларини такомиллаштиришга қаратилган илмий тадқиқотларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада, касалликнинг кечишига таъсир этувчи молекуляр-генетик механизмлар ва инфекцияга мойилликни аниқлаш, SARS-CoV-2 нинг айланиб юрувчи вариантлари ҳамда мутацияларини мониторинг қилиш, самарали ташхисот, даволаш ва профилактика стратегияларини ишлаб чиқиш, шунингдек, COVID-19 билан боғлиқ эпидемиологик ҳолатни назорат қилиш ва унга жавоб чораларини такомиллаштиришга йўналтирилган изланишлар муҳим аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимизда тиббиёт соҳасини ривожлантириш, соғлиқни сақлаш тизимини жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, жумладан турли касалликларни эрта ташхислаш, даволаш ва олдини олиш сифатини оширишга қаратилган кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Хусусан, 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясига мувофиқ аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтаришда «...бирламчи тиббий-санитария хизматида аҳолига малакали хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш...»² каби вазифалар белгиланган. Ушбу устувор вазифалар COVID-19 касаллигининг патогенезида аҳамиятли бўлган молекуляр-генетик механизмларни, касаллик оғирлигини белгилайдиган омилларни аниқлаш, SARS-CoV-2 нинг айланиб юрувчи вариантлари ва мутацияларини мунтазам мониторинг қилиш,

¹Carabelli A.M., et al. SARS-CoV-2 variant biology: immune escape, transmission and fitness. Nature reviews microbiology. – 2023. - No.21. – P.162-177.

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

самарали ташхисот, даволаш ва профилактика усуллари ишлаб чиқиш, шунингдек, эпидемиологик вазиятни назорат қилиш ва унга жавоб чора-тадбирларини такомиллаштиришни назарда тутади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 29 январдаги ПФ-60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги, 2020 йил 25 июлдаги ПФ-6035-сон «Коронавирус пандемиясини юмшатиш, аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги ва саломатлигини сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида тўғрисида»ги фармонлари, 2020 йил 12 ноябрдаги ПҚ-4891-сон «Тиббий профилактика ишлари самарадорлигини янада ошириш орқали жамоат саломатлигини таъминлашга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорини ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация тадқиқоти Республика фан ва технологияларни ривожлантиришининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи³.

SARS-CoV-2 нинг молекуляр-генетик тавсифи ва COVID-19 башоратини баҳолашда Host омилларнинг аҳамиятини аниқлашга йўналтирилган илмий тадқиқотлар жаҳоннинг қатор илмий марказлари ва олий таълим муассасаларида, жумладан: Huazhong University of Science and Technology (Хитой), Michael G. DeGroot Institute for Infectious Disease Research (Канада), Hospital Universitario Central Asturias (Испания), Università Federico II (Италия), Center for Respiratory Research (Буюк Британия), National Center for Global Health and Medicine (Япония), Khallikote University (Ҳиндистон), I.R.C.C.S. Ospedale San Raffaele (Италия), School of Mathematics, Statistics and Computer Science (Жанубий Африка), Department of Cardiology (Хитой), Department of Internal Medicine (Корея), National Center for Biodefense and Infectious Diseases (АҚШ), Department of Surgical Sciences (Швеция), Department of Respiratory Medicine (Япония), The Heart Institute (АҚШ), World Health Organization (Женева), Centers for Disease Control and Prevention (АҚШ), The Global Initiative on Sharing All Influenza Data (Германия), ФДБМ А.А.Смородинцев номидаги Грипп ИТИ (Россия Федерацияси), Вирусология илмий-тадқиқот институти (Ўзбекистон), Илғор технологиялар маркази (Ўзбекистон) ва ЎзР ФА геномика ва биоинформатика марказида (Ўзбекистон) бажарилган.

SARS-CoV-2 нинг молекуляр-генетик тавсифи ва COVID-19 башоратини баҳолашда Host омилларнинг аҳамиятини аниқлаш борасида олиб борилган илмий тадқиқотлар натижасида қатор натижалар, жумладан, қуйидагилар олинган: вирус эволюциясини аниқлаш бўйича олиб борилган тадқиқотлар

³Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи: www.who.int, www.cdc.gov/covid, www.worldometers.info/coronavirus, www.coronavirus.jhu.edu, www.ncbi.nlm.nih.gov, www.cov-irt.org, www.thelancet.com/coronavirus, www.recovercovid.org, www.pasteur.fr ва бошқа манбалар.

натижасида ёввойи ва уй ҳайвонлари орасида вирус резервуарлари мавжудлиги, SARS-CoV-2 манбаларининг хилма-хиллиги ва юқиш йўллари асосланган (Michael G. DeGroot Institute for Infectious Disease Research, Канада); айланиб юрувчи вирус вариантларининг доимий мониторинги ва эрта огоҳлантириш дастурларининг зарурлиги исботланган (Huazhong University of Science and Technology, Хитой); COVID-19 кечиш оғирлигини баҳолашда генлар полиморфизмларининг аҳамияти аниқланган (Hospital Universitario Central Asturias, Испания; Università Federico II, Италия, Center for Respiratory Research, Буюк Британия; National Center for Global Health and Medicine, Япония); ACE аллелининг делецияси ва SARS-CoV-2 га мойиллик, касалликнинг оғирлиги ҳамда ўлим даражаси ўртасидаги боғлиқлик аниқланган (Khallikote University, Ҳиндистон; I.R.C.C.S. Ospedale San Raffaele, Италия); сурункали ёндош касалликлар, асоратлар ва демографик кўрсаткичлар, D-димер даражасининг ошиши, эркак жинси, кекса ёш, чекиш ва семизлик COVID-19 билан боғлиқ ўлимни башоратловчи клиник хавф омиллари эканлиги исботланган (School of Mathematics, Statistics and Computer Science, Жанубий Африка; Department of Cardiology, Хитой; Department of Internal Medicine, Корея); COVID-19 патогенезида хемокинлар, цитокинлар ва биокимёвий маркерларнинг асосий роли ва уларнинг яллиғланиш реакциясининг ривожланишига ва касалликнинг оғирлигига таъсири асосланган (National Center for Biodefense and Infectious Diseases, АҚШ; Department of Surgical Sciences, Швеция; Department of Respiratory Medicine Япония; The Heart Institute, АҚШ); SARS-CoV-2 нинг геномини тўлиқ секвенслаш ёрдамида янги вариантларни кузатиш ва муҳим мутацияларни аниқлаш ва доимий мониторинг қилиш зарурлиги таъкидланган (World Health Organization, Женева; Centers for Disease Control and Prevention, АҚШ; The Global Initiative on Sharing All Influenza Data, Германия); пандемия дастлабки даврида айланиб юрувчи SARS-CoV-2 вариантлари аниқланган (Илғор технологиялар маркази, Ўзбекистон); ЎЗР ФА геномика ва биоинформатика маркази, Ўзбекистон); COVID-19 касаллигига қарши вакциналар самарадорлиги баҳоланган (Вирусология илмий-тадқиқот институти, Ўзбекистон).

Дунёда COVID-19 касаллиги ва SARS-CoV-2 нинг турли жиҳатларини қамраб олган устувор йўналишларда кенг қўламли тадқиқотлар амалга оширилмоқда: вируснинг молекуляр-генетик хусусиятларни таҳлил қилиш; мутациялар ва айланиб юрувчи вариантларини аниқлаш; эволюция механизмлари ва тарқалиш йўллари асослаш; иммун жавобни баҳолаш; вакциналар ва ташхисот усулларини яратиш; вирусга қарши дориларни синовдан ўтказиш ва даволаш баённомаларини оптималлаштириш; касаллик оғир кечишига таъсир қилувчи генетик ва Host омилларини ўрганиш; инфекциянинг узок муддатли оқибатларини таҳлил қилиш; ҳайвонлар орасидаги вирус резервуарлари ва экологик хавфларни баҳолаш; булар касалликни самарали назорат қилиш, профилактика ва даволаш чораларини ишлаб чиқиш учун илмий асос яратади.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. COVID-19 касаллиги бўйича тадқиқотлар, турли инсон омиллари касалликни юқтиришга мойиллик, кечиш оғирлиги ва оқибатларида муҳим аҳамият касб этишини кўрсатади. Аҳолининг турли гуруҳлари, шу жумладан кексалар ёшдагилар ва ёндош касалликларга эга шахсларда COVID-19 оғир кечиши хавфи юқори (Zhang J.J. et al., 2020; Wang D. et al., 2020). Шунингдек, инсон омиллари, ортикча вазн, гипертония, қандли диабет, ўпка ва юрак касалликлари COVID-19 нинг оғир кечишига таъсир қилиши мумкин (Li X. et al., 2020; Holt H. et al., 2021; Liu X. et al., 2022). COVID-19 контекстида хемокинлар ва цитокинларни ўрганиш тадқиқотнинг асосий йўналишларидан бирига айланди, чунки бу биомаркерлар касалликнинг яллиғланиш жараёни ва патогенезида муҳим аҳамиятга эга бўлиб, касалликнинг оғир шакллари ва нохуш прогнози билан боғлиқ (Kwon J.S. et al., 2020; Del Valle D.M. et al., 2020; Hsu R.J. et al. 2022). Иммунологик маркерлар билан бир қаторда, D-димер, C-реактив оксил, ферритин, прокальцитонин каби биокимёвий маркерлар COVID-19 оғирлиги ва прогнозини баҳолашда муҳим аҳамият касб этади (Huang I. et al., 2020; Milenkovic M. et al., 2022; Samprathi M. Jayashree M. 2021).

Инсон генетик омиллари COVID-19 хавфи ва оғирлигининг прогностик белгиси ҳисобланиб, инфекцияга қаршилик ёки мойилликни аниқлайди (Yamamoto N. 2020; Evans J.P. Shan-Lu Liu S. 2021; van der Made C.I. et al., 2022). SARS-CoV-2 га мойилликни ўрганиш атроф-муҳит, генетик, ижтимоий ва хулқ-атвор омиллари билан боғлиқ (Saadat M. 2020; Kim H.J. et al., 2021), шу боис, мойилликни баҳолашда ҳам генетик, ҳам ижтимоий жиҳатларни инобатга олган ҳолда комплекс ёндашув зарурлиги таъкидланади. ACE1 I/D, ACE2, TMPRSS2 каби генлар полиморфизмларининг этник келиб чиқиш, касаллик оғир кечиши ва ўлим хавфи билан боғлиқлиги ҳақидаги маълумотлар мавжуд бўлса-да (Delanghe J.R. et al., 2020; Jaleddine N. 2022; A Yaghoobi A. et al. 2023), бу борада қарама-қарши фикрлар ҳам мавжуд (Çelik S.K. 2021; Schönfelder K. et al. 2021). Юқоридаги омилларга қўшимча равишда, SARS-CoV-2 мутациялари вируснинг патогенлиги ва тарқалишига сезиларли таъсир кўрсатади, буни трансмиссивликнинг ортиши ва иммун жавобдан қисман қочиш хусусиятларини ўзгартирган Alfa, Beta, Gamma, Delta ва Omicron каби вирус вариантлари тасдиқлайди (Ramesh S. et al., 2021; Willett B.J. et al. 2022; Carabelli A.M. et al., 2023).

Мамалакатимизда COVID-19 нинг турли жиҳатлари, жумладан, гемостаз патологиялари (Қурбонова З.Ч., 2023; Ниёзов Г.Е., 2024), қандли диабетнинг кечиши ва ушбу касалликни ўтказганларда такрорий инсульт (Алиева А.В., 2023; Юлчиев Э.У., 2024), шунингдек, болаларда COVID-19 нинг асоратли кечишида хавф омилларининг стратификацияси (Ражабов И.Б., 2024) бўйича тадқиқотлар олиб борилган. Бироқ, мавжуд маълумотлар таҳлили, юртимизда нанопорали секвенслар усули ёрдамида айланиб юрувчи SARS-CoV-2 вариантларини мунтазам кузатиш, хемокинлар (CXCL9, IP10, CCL17), IL28B цитокини ҳамда COVID-19 оғир кечишини баҳолашда ACE1 I/D, TMPRSS2 ва IL28B генлар полиморфизмларини баҳолашга қаратилган тадқиқотлар етарли даражада амалга оширилмаганлигини кўрсатади. Ўзбекистонда SARS-

CoV-2 нинг молекуляр-генетик хусусиятларини ўрганиш, COVID-19 касаллигининг оғир кечишида Host омилларининг аҳамиятини аниқлаш, ташхисот усулларини такомиллаштириш, шунингдек, профилактика чоратадбирларни илмий асослаш ва такомиллаштиришга қаратилган комплекс тадқиқотларни ўтказиш долзарб ҳисобланади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлар режасига боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Республика ихтисослаштирилган эпидемиология, микробиология, юкумли ва паразитар касалликлар илмий-амалий тиббиёт марказининг Вирусология илмий-тадқиқот институтининг режаси бўйича ФЗ-202004065 «Коронавирус инфекциясига қарши кураш технологиясини яратиш патогенезини чуқур таҳлил қилиш асосида коронавирус инфекциясини даволаш» (2020-2022 йй.) ва №1NU2HGH000089-01-00 «Тошкент шаҳрида SARS-CoV-2 нинг айланиб юривчи штаммларини мониторинг қилиш» (2021-2022 йй.) илмий лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади SARS-CoV-2 нинг молекуляр-генетик тавсифи ва COVID-19 башоратини баҳолашда Host омилларнинг аҳамиятини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

пандемия ва пандемиядан кейинги даврларда SARS-CoV-2 нинг айланиб юривчи вариантларининг эволюциясини аниқлаш;

SARS-CoV-2 нинг айланиб юривчи вариантларининг генетик хилма-хиллиги ва мутациялар профилини аниқлаш;

маҳаллий тест тўпламларининг ташхисот самарадорлигини оптималлаштириш ва баҳолаш мақсадида COVID-19 нинг ПЗР ташхисоти учун референс-панелини ишлаб чиқиш;

COVID-19 кечиш оғирлиги билан боғлиқ биомаркерларни аниқлаш ва уларнинг аҳамиятини асослаш;

генлар полиморфизмларининг COVID-19 нинг кечиш оғирлигига таъсирини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Вирусология илмий-тадқиқот институти клиникаси ва Республика махсус 1-сон Зангиота шифохонасига ётқизилган беморлар, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти администрацияси ҳузуридаги тиббиёт бош бошқармасига қаршли 1-сонли марказий клиник-диагностика поликлиникаси ҳамда Вирусология илмий-тадқиқот институтининг Референс лабораториясига мурожаат қилган шахслардан 339 та назофарингеал суртмалар ва 242 та биоматериаллар (қон плазмаси, қон зардоби, қон) олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида назофарингеал суртма SARS-CoV-2 РНКси, айланиб юривчи вирус вариантлари ва мутацияларини, қон плазмаси ва зардоби хемокинлар, цитокинлар, биокимёвий маркерларни ҳамда қон генлар полиморфизмларини аниқлаш учун қўлланилган.

Тадқиқотнинг усуллари. Белгиланган вазифаларни бажариш ва мақсадга эришиш учун SARS-CoV-2 нинг вариантлари, мутациялари ва

генлар полиморфизмларини аниқлашда молекуляр-генетик (полимеразали занжирли реакция, секвенслаш), вирус эволюциясини кузатиш ва унинг генетик вариантларини аниқлашда филогенетик таҳлил, хемокинлар ва цитокинларни аниқлашда серологик (иммунфермент таҳлили ва иммунхемилюминесцент таҳлил), С-реактив оксилни аниқлашда иммунологик (агглютинация таҳлили) ва олинган натижаларни таҳлил қилишда статистик усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор пандемия ва пандемиядан кейинги даврлардаги ўзгарувчан эпидемиологик вазиятда вируснинг асосий эволюцион ўзгаришларини аниқлашда SARS-CoV-2 нинг айланма юривчи, жумладан, эрта (B.1.1), Alpha (B.1.1.7), Omicron (BA.5.2), шунингдек унинг янги субвариантлари (FL.1.8, FL.24.1, KS.1, JN.1.13.1) ҳамда рекомбинант XD ва XDB вариантлари аниқланган;

илк бор SARS-CoV-2 геномидаги мутацион ўзгаришларнинг эволюцияси, жумладан, вируснинг мослашувчанлик механизми ва динамик ўзгарувчанлигини аниқлашда S ва ORF1b генларидаги аҳамиятли мутациялар аниқланган;

илк бор ишлаб чиқилган референс-панель ёрдамида сезувчанлиги 93,02% ва спецификлиги 100% га етказилган «Biotest-SARS-CoV-2» маҳаллий ПЗР тўпламининг оптималлаштирилиши асосланган;

илк бор қоннинг кислород билан тўйинганлик даражаси, CXCL9 хемокини, IL-6 цитокини ва С-реактив оксил каби асосий кўрсаткичлар COVID-19 касаллигининг оғир кечишига хос бўлган етакчи индикаторлар эканлиги асосланган;

илк бор CXCL9 хемокини, IL-6 цитокини ва С-реактив оксил даражасининг ошиши, қоннинг кислород билан тўйинганлик даражасининг пасайиши, ўзбек аҳолисида ACE1 I/D ген полиморфизмининг D аллели ва DD генотиби мавжудлиги, шунингдек, юрак ишемик касаллиги, 2-тур қандли диабет ва тана вазни индекси $\geq 30,0$ бўлган семизлик каби ёндош касалликлар COVID-19 касаллигининг оғир кечиши билан боғлиқ Host омиллари ва прогностик индикаторлари эканлиги исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

пандемия ва пандемиядан кейинги даврларда SARS-CoV-2 нинг тарқалган вариантларини, шунингдек, уларнинг генетик тузилиши ва эволюцион боғлиқликларини филогенетик таҳлил асосида комплекс аниқлаш эпидемиологик назорат чораларини ўз вақтида мослаштириш ҳамда самарали профилактика стратегияларини ишлаб чиқиш имконини бериши асосланган;

SARS-CoV-2 нинг аҳамиятли мутацияларини аниқлаш вируснинг эволюцион ўзгаришларини самарали кузатиш ва ташхисот ҳамда профилактика чораларини такомиллаштиришга замин яратиши асосланган;

COVID-19 ПЗР ташхисоти учун ишлаб чиқилган референс-панель SARS-CoV-2 ни аниқлайдиган маҳаллий молекуляр-биологик тест-тўпламларни оптималлаштириш, валидация қилиш ва ташхисот самарадорлигини оширишда қўлланилиши асосланган;

CXCL9 хемокинининг IL-6, C-реактив оксил ва қоннинг кислород билан тўйинганлик кўрсаткичи каби асосий биомаркерлар билан комплекс баҳоланиши COVID-19 касаллигининг оғир кечиш хавфини эрта аниқлашда прогностик қийматга эга эканлиги исботланган;

COVID-19 нинг оғир кечиш хавфини башорат қилиш ва эрта ташхисотини оптималлаштириш мақсадида ACE1 гени I/D полиморфизми генотипларини аниқлаш асосланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги диссертация ишда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган тадқиқотларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, етарли даражада материал танланганлиги, қўлланилган усулларнинг замонавийлиги, уларнинг бири иккинчисини тўлдирадиган серологик, молекуляр-генетик ва статистик тадқиқот усуллари асосида SARS-CoV-2 нинг молекуляр-генетик тавсифи ва COVID-19 башоратини баҳолашда Host омилларнинг аҳамиятини аниқлашнинг ўзига хослиги, халқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққосланганлиги, хулоса ва олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлаганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти COVID-19 касаллигининг оғир кечиши хавфи юқори бўлган шахсларни эрта аниқлаш, даволаш ва профилактикага шахсийлаштирилган ёндашув, асоратларнинг олдини олиш ҳамда ташхисот усуллари оптималлаштириш имконини берувчи SARS-CoV-2 нинг айланиб юрувчи вариантлари ва мутацияларини нанопорали секвенслаш ёрдамида аниқлаш, ПЗР ташхисоти учун референс-панелини яратиш ва COVID-19 оғир кечиши билан боғлиқ Host омилларни аниқлаш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти SARS-CoV-2 нинг айланиб юрувчи вариантлари ва мутациялари тўғрисидаги маълумотлар эпидемияга қарши чора-тадбирларни самарали ва ўз вақтида олиб бориш, COVID-19 ПЗР ташхисоти учун референс-панельнинг яратилиши маҳаллий ва импорт реагент тўпламларининг сифатини баҳолаш ва улардан самарали фойдаланиш, аниқланган биомаркерлар ва Host омиллари эса, COVID-19 нинг оғир кечишини эрта баҳолаш, шахсийлаштирилган ва жадал даволашга муҳтож бўлган беморлар гуруҳини аниқлаш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий-техник кенгашнинг 2025 йил 10 мартдаги 13-сонли йиғилиш баённомасига асосан илмий-тадқиқот ишлари натижаларини амалиётга жорий этиш бўйича 13/10-сонли хулосасига кўра:

биринчи илмий янгилик: илк бор пандемия ва пандемиядан кейинги даврлардаги ўзгарувчан эпидемиологик вазиятда вируснинг асосий эволюцион ўзгаришларини акс эттирувчи SARS-CoV-2 нинг айланиб юрувчи, жумладан, эрта (B.1.1), Alpha (B.1.1.7), Omicron (BA.5.2), шунингдек унинг янги субвариантлари (FL.1.8, FL.24.1, KS.1, JN.1.13.1) ҳамда рекомбинант XD ва XDB вариантлари аниқланганлиги Республика

ихтисослаштирилган эпидемиология, микробиология, юқумли ва паразитар касалликлар илмий-амалий тадқиқот марказининг Илмий фаолиятни мувофиқлаштириш Эксперт кенгаши томонидан 04.10.2023 йил 2н-р/20-сон билан тасдиқланган «SARS-CoV-2 нинг айланиб юрувчи штаммларини мониторинг қилиш учун тўлиқ геномни нанопорали секвенслаш усули» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклифлар Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Тиббиёт бош бошқармасининг Санитария-эпидемиология назорати бошқармасига 10.07.2023 йилдаги №76-п-сон ва Республика махсус 1-сон Загиота шифохонасига 29.02.2024 йилдаги №13-п-сон буйруқлари билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий-техник кенгашнинг 2025 йил 10 мартдаги 13/10-сон хулосаси). *Ижтимоий самарадорлиги:* COVID-19 мониторинги SARS-CoV-2 нинг хавотирли вариантлари ҳақида тезкор маълумотларни тақдим этади ва ўзгарувчан эпидемиологик вазиятларга ўз вақтида жавоб қайтариш ва мақсадли стратегияларни ишлаб чиқиш имконини беради. *Иқтисодий самарадорлиги:* нанопорали секвенслаш усулини соғлиқни сақлаш амалиётига жорий қилиш Сенгер усулида секвенслашга нисбатан 61384843,36 сўмни тежаш имконини беради.

иккинчи илмий янгилик: илк бор SARS-CoV-2 геномидаги мутацион ўзгаришларнинг эволюцияси, жумладан, вируснинг мослашувчанлик механизмлари ва динамик ўзгарувчанлигини акс эттирувчи S ва ORF1b генларидаги аҳамиятли мутациялар аниқланганлиги Республика ихтисослаштирилган эпидемиология, микробиология, юқумли ва паразитар касалликлар илмий-амалий тадқиқот марказининг Илмий фаолиятни мувофиқлаштириш Эксперт кенгаши томонидан 04.10.2023 йил 2н-р/20-сон билан тасдиқланган «SARS-CoV-2 нинг айланиб юрувчи штаммларини мониторинг қилиш учун тўлиқ геномни нанопорали секвенслаш усули» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклифлар Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Тиббиёт бош бошқармасининг Санитария-эпидемиология назорати бошқармасига 10.07.2023 йилдаги №76-п-сон ва Республика махсус 1-сон Загиота шифохонасига 29.02.2024 йилдаги №13-п-сон буйруқлари билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий-техник кенгашнинг 2025 йил 10 мартдаги 13/10-сон хулосаси). *Ижтимоий самарадорлиги:* COVID-19 мониторинги SARS-CoV-2 нинг хавотирли мутациялар ҳақида тезкор маълумотларни тақдим этади ва ўзгарувчан эпидемиологик вазиятларга ўз вақтида жавоб қайтариш ва соғлиқни сақлашда мақсадли стратегияларни ишлаб чиқиш имконини беради, бу эса ўз навбатида касалликнинг тарқалишини камайтиради. *Иқтисодий самарадорлиги:* нанопорали секвенслаш усулини соғлиқни сақлаш амалиётига жорий қилиш Сенгер усулида секвенслашга нисбатан 61384843,36 сўмни тежаш имконини беради.

учинчи илмий янгилик: илк бор ишлаб чиқилган референс-панель ёрдамида сезувчанлиги 93,02% ва спецификлиги 100% га етказилган «Biotest-

SARS-CoV-2» маҳаллий ПЗР тўпламининг оптималлаштирилиши асосланганлиги Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий эксперт кенгаши томонидан 07.06.2022 йил 8н-р/587-сон билан тасдиқланган «COVID-19 ПЗР ташхисоти сифатини баҳолаш учун аналитик панельни яратиш» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклифлар МЧЖ «ROSSA» корхонасининг илмий-ишлаб чиқариш фаолиятига 13.04.2021 йилдаги 8-сон шартнома ва Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш марказига 13.05.2024 йилдаги 61-сон буйруғи билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий-техник кенгашнинг 2025 йил 10 мартдаги 13/10-сон хулосаси). *Ижтимоий самарадорлиги:* COVID-19 ПЗР ташхисоти учун яратилган референс-панель вирусология ихтисослиги бўйича ўқув машғулотида, SARS-CoV-2 РНКсини аниқлашга мўлжалланган тест-тўпламларнинг клиник синовларини ўтказишда, маҳаллий ва импорт тест-тўпламларини ишлаб чиқиш ҳамда рўйхатдан ўтказишда, шунингдек, тест-тўпламларнинг сифат назоратини таъминлашда қўлланилиши мумкин, бу ПЗР лабораторияларидаги камчиликларни аниқлаш ва ташхисот хатоларини камайтиришга ёрдам беради. *Иқтисодий самарадорлиги:* COVID-19 ПЗР ташхисоти учун яратилган референс-панель хорижий тижорат панелларига нисбатан 11625262 сўм миқдорида маблағни тежаш имконини беради.

тўртинчи илмий янгилик: илк бор қоннинг кислород билан тўйинганлик даражаси, CXCL9 хемокини, IL-6 цитокини ва C-реактив оқсил каби асосий кўрсаткичлар COVID-19 касаллигининг оғир кечишига хос бўлган етакчи индикаторлар эканлиги асосланганлиги Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий эксперт кенгаши томонидан 10.05.2022 йил 8н-р/445-сон билан тасдиқланган «COVID-19 оғир кечишини биомаркерларни ҳисобга олган ҳолда прогноз қилиш алгоритми» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклифлар Сирдарё вилояти юқумли касалликлар шифохонасига 08.09.2022 йилдаги 21-сон ва Республика ихтисослаштирилган эпидемиология, микробиология, юқумли ва паразитар касалликлар илмий-амалий тиббиёт марказининг Фарғона филиалига 10.10.2022 йилдаги 72-сон буйруқлари билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий-техник кенгашнинг 2025 йил 10 мартдаги 13/10-сон хулосаси). *Ижтимоий самарадорлиги:* биомаркерлар даражасини комплекс аниқлаш COVID-19 нинг оғир кечиши хавфи юқори бўлган гуруҳларни аниқлаш имконини беради, бу эса оптимал даволаш тактикасини танлаш, ўз вақтида тиббий ёрдам кўрсатиш, асоратлар хавфини камайтириш, касалхонада ётиш ва реабилитация даврини қисқартириш, шунингдек, ҳаёт сифатини яхшилашга ёрдам беради. *Иқтисодий самарадорлиги:* биомаркерларни аниқлаш орқали касалликнинг оғир кечишини башорат қилиш 849125 сўм маблағни иқтисод қилиш имконини яратади.

бешинчи илмий янгилик: илк бор CXCL9 хемокини, IL-6 цитокини ва C-реактив оқсил даражасининг ошиши, қоннинг кислород билан тўйинганлик даражасининг пасайиши, ўзбек аҳолисида ACE1 I/D ген полиморфизмининг

D аллели ва DD генотиби мавжудлиги, шунингдек, юрак ишемик касаллиги, 2-тур қандли диабет ва тана вазни индекси $\geq 30,0$ бўлган семизлик каби ёндош касалликлар COVID-19 касаллигининг оғир кечиши билан боғлиқ Host омиллари ва прогностик индикаторлари эканлиги исботланганлиги Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий эксперт кенгаши томонидан 10.05.2022 йил 8н-р/445-сон билан тасдиқланган «COVID-19 оғир кечишини биомаркерларни ҳисобга олган ҳолда прогноз қилиш алгоритми» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Мазкур таклифлар Сирдарё вилояти юқумли касалликлар шифохонасига 08.09.2022 йилдаги 21-сон ва Республика ихтисослаштирилган эпидемиология, микробиология, юқумли ва паразитар касалликлар илмий-амалий тиббиёт марказининг Фарғона филиалига 10.10.2022 йилдаги 72-сон буйруқлари билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий-техник кенгашнинг 2025 йил 10 мартдаги 13/10-сон хулосаси). *Ижтимоий самарадорлиги:* биомаркерлар даражасини комплекс аниқлаш COVID-19 нинг оғир кечиши хавфи юқори бўлган гуруҳларни аниқлаш имконини беради, бу эса оптимал даволаш тактикасини танлаш, ўз вақтида тиббий ёрдам кўрсатиш, асоратлар хавфини камайтириш, касалхонада ётиш ва реабилитация даврини қисқартириш, шунингдек, ҳаёт сифатини яхшилашга ёрдам беради. *Иқтисодий самарадорлиги:* биомаркерларни аниқлаш орқали касалликнинг оғир кечишини башорат қилиш 849125 сўм маблағни иқтисод қилиш имконини яратади.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 14 та илмий анжуманларда, жумладан, 7 та республика ва 7 та халқаро илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 30 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 13 та мақола, жумладан, 9 таси республика ва 4 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, етти та боб, хотима, хулоса, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 176 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети предмети тавсифланган ҳамда республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мувофиқлиги келтирилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этилиши, чоп этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши тўғрисида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «SARS-CoV-2 эволюцияси ва COVID-19 оғирлигини белгиловчи омиллар» деб номланган биринчи бобида ўрганилаётган муаммо ҳолати тўғрисидаги замонавий тасавурларни акс эттирувчи хорижий ва маҳаллий адабиётларнинг батафсил таҳлили келтирилган. Коронавируслар таксономияси, келиб чиқиши, эволюцияси, этиологик тузилиши, вируснинг генетик ўзгарувчанлиги, COVID-19 нинг клиник кечишини башорат қилишда биомаркерларнинг аҳамияти ва касаллик клиник кечиши ва SARS-CoV-2 га мойилликни баҳолашда генлар полиморфизмлари тўғрисида маълумотлар акс эттирилган.

Диссертациянинг «Тадқиқ қилинган беморларнинг тавсифи ва тадқиқот усуллари» деб номланган иккинчи бобида тадқиқот дизайни ҳамда тадқиқот материаллар ва усулларининг тавсифи келтирилган. Тадқиқот Тошкент шаҳридаги бир қанча клиникаларда ўтказилган уч компонентли, кузатув, кўп марказли ва кесмали (кросс-секцион) тадқиқот ҳисобланади.

Тадқиқотнинг биринчи босқичида SARS-CoV-2 нинг пандемия ва пандемиядан кейинги даврида (2020-2024 йй.) айланиб юрувчи вариантлари ва мутациялари таҳлил қилинди. SARS-CoV-2 вариантларини аниқлаш ва тавсифлаш учун 170 та намуна нанопорали секвенслаш усулида текширилди.

Тадқиқотнинг иккинчи босқичи COVID-19 ташхисот усулларини такомиллаштиришга қаратилган. COVID-19 ташхисот ёндашувларини такомиллаштириш мақсадида SARS-CoV-2 РНКси мавжудлиги ва йўқлиги тасдиқлаган 169 та намунадан иборат референс-панель яратилди. Ушбу панель «Biotest-SARS-CoV-2» (МЧЖ «BIOTEST-LAB», Ўзбекистон) илк маҳаллий ПЗР тўпламини оптималлаштириш ва «ROSSAmed COVID-19 ISOTHERM» (МЧЖ «ROSSA», Ўзбекистон) ПЗР тўпламини валидация қилиш учун эталон сифатида қўлланилди.

Тадқиқотнинг учинчи босқичида COVID-19 оғир кечиши билан боғлиқ биокимёвий маркерлар, хемокинлар, цитокинлар ва генлар полиморфизмлари ўрганилди. Касаллик турли оғирликда кечган беморлар ва назорат гуруҳидаги соғлом шахслардан 242 та биоматериал намуналари (плазма, зардоб, қон) тўпланди. Асосий биокимёвий маркерлар, хемокинлар ва цитокинлар таҳлили 176 нафар беморда аниқланди. Беморлар қуйидаги гуруҳларга тақсимланди: ўрта оғир – 80 нафар, оғир – 56 нафар ва ўта оғир – 40 нафар. Генетик омилларни ўрганиш мақсадида генотиплаш амалга оширилди: барча 242 та намуналар ACE1 генининг I/D полиморфизмига, 205 та намуналар IL28B (rs8099917, rs12979860) ген полиморфизмларига ва 209 та намуналар TMPRSS2 (rs12329760) ген полиморфизмига текширилди. Генлар полиморфизмлари таҳлил қилинган шахслар қуйидагича тақсимланди: ўрта оғир – 80 нафар, оғир ва ўта оғир – 96 нафар ҳамда назорат гуруҳи – 66 нафар. Барча тадқиқот иштирокчилари ўзларини ўзбек миллатига мансублигини таъкидлашди.

COVID-19 ташхисоти ва касалликнинг оғирлиги Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлигининг «COVID-19 коронавирус инфекцияси билан касалланган беморларни даволаш бўйича вақтинчалик тавсиялар»га (8-сонли редакция 2021-йил) мувофиқ белгиланди.

SARS-CoV-2 ning тўлиқ геномини секвенслаш C19 Mini (Oxford Nanopore, UK) тўплами ёрдамида MinION Mk1C платформасида амалга оширилди. Олинган натижалар Epi2me дастурий таъминоти ёрдамида таҳлил қилинди, биоинформатик ишлов эса Nextclade онлайн воситаси орқали бажарилди. GISAID маълумотлар базасига 170 нуклеотид кетма-кетлиги жойлаштирилган.

IL-6, D-димер, прокальцитонин ва ферритин кўрсаткичлари MAGLUMI 800 автоматлаштирилган анализаторида (Snibe Co., Ltd.) иммунохемилюминисцент (ИХЛТ) усулида мос равишда MAGLUMI IL-6, MAGLUMI D-Dimer, MAGLUMI PCT ва MAGLUMI Ferritin (Shenzhen New Industries Biomedical Engineering Co., Ltd., Хитой) тўпламлари ёрдамида аниқланди. С-реактив оқсили (СРБ) аниқлаш учун HumaTex CRP Latex Agglutination Test (Human GmbH, Германия) тўплами ишлатилди.

IP10, CXCL9, CCL17 хемокинлари ва IL28B цитокини иммунофермент (ИФТ) усулида мос равишда Human Interferon-Inducible Protein 10 (IP-10), Human monocyte interferon-gamma-inducing factor (MIG), Human thymus activation-regulated chemokine (TARC) ва Human Interleukin 28B (IL28B) (Cusabio, Хитой) тўпламлари ёрдамида аниқланди.

Назофарингеал суртмаларда SARS-CoV-2 РНКсининг мавжудлигини аниқлаш учун «РИБО-преп» (МЭИТИ, Россия) тижорат тўплами, ҚТ-ПЗР эса, «ROSSAmed COVID-19 RT-PCR» (МЧЖ ROSSA, Ўзбекистон) тўпламларидан фойдаланилди. ACE1 генининг полиморфизми агароза гелида электрофорез детекция ПЗР усули ёрдамида «АмплиСенсACE-I/D-EPh» (МЭИТИ, Россия) тўпламидан фойдаланган ҳолда амалга оширилди. IL28B генининг rs8099917 ва rs12979860 ягона нуклеотид полиморфизмлари реал вақт режимидаги ПЗР усулида «АмплиСенс® Геноскрин-IL28B-FL» (МЭИТИ, Россия), TMPRSS2 ген полиморфизми «TMPRSS2 генининг (rs12329760) Val160Met полиморфизмини аниқлаш реагент тўплами» (МЧЖ Синтол, Россия) ёрдамида амалга оширилди.

Статистик таҳлил IBM SPSS Statistics 26 дастури ёрдамида амалга оширилди. Категориал ва миқдорий ўзгарувчилар учун тасвирловчи усуллар қўлланилди, нормал тақсимланмаган миқдорий ўзгарувчилар учун медиана ва 95% ишончли оралиқ кўрсатилди. Гуруҳларни касаллик оғирлиги бўйича солиштириш ANOVA тести билан, Стила-Двас, Краскел–Уоллис ва Джонкхира–Терпстра тестлари миқдорий ўзгарувчилар учун, шунингдек, категориал ўзгарувчилар учун χ^2 критерияси ишлатилди. Омиллар таъсирини баҳолаш учун логистик регрессия таҳлили қўлланилди.


Диссертациянинг «SARS-CoV-2 нинг айланиб юрувчи вариантларининг тавсифи ва филогенетик трендлар» деб номланган учинчи бобида 2020-2024 йилларда тўпланган 170 та назофарингеал намуналарини SARS-CoV-2 нинг тўлиқ геномини наноподали секвенслаш усулида олинган натижалари келтирилган. 2020 йилда В.1.1 (60,0%) ва В.1 (33,3%) вариантлари устунлик қилди, бу пандемиянинг илк босқичига хос ҳолат бўлиб, вируснинг турли вариантлари ҳали сезиларли даражада намоён бўлмаганлигини кўрсатади. 2021 йилда вируснинг босқичма-босқич мутацияси фонида янада юқумли В.1.1.7 (Alfa) варианты пайдо бўлди, бу барча ҳолатларнинг 97,0% ни ташкил этди, В.1.1 вариантининг улуши эса, минимал даражада бўлган. Бироқ, 2022 йилдан бошлаб, вирус сезиларли даражада ўзгара бошлади. Энг кенг тарқалган вариант ВА.5.2 (69,4%) бўлиб, шунингдек, DY.4, ВА.2, ХВВ.1, В.1.1.529, ВЕ.1.1, ВА.5.1, ВА.5.2.44, ВА.5.2.48, ВN.1.2, ХВВ.2.3, ВU.1, ВА.2.75 каби бошқа янги субвариантлар пайдо бўлди, бу вируснинг генетик ўзгарувчанлигини кўрсатади. 2023 йилда 19,0% улушга эга FL.1.8, FL.24.1 каби янги субвариантларнинг кўпайиши, шунингдек, ХВВ.1.9.1, ХВВ.1.9.2, ХВВ.1.16, FL.40, FL.5, GS.7, НН.2.1, НК.3, ХВВ.1.42, ХВВ.1.42.1, ХДВ каби бошқа субвариантлар сонининг сезиларли ўсиши кузатилди, бу эса, вирус тузилишидаги янада кўп ўзгаришларни тасдиқлайди. 2024 йилга келиб, энг кўп тарқалган вариант КS.1 (59,6%) бўлиб, бундан ташқари, JN.1.13.1, JN.1.1, JN.1.16.1, JN.1.5, JN.1.16, JN.1.18, КP2.3, КP.3.1.1, ХВВ.1.5.24 каби бошқа вариантлар ҳам аниқланди (1-расм), бу генетик хилма-хилликнинг ортиши давом этаётганини кўрсатади.

Таъкидлаш жоизки, 2020-2024 йилларда SARS-CoV-2 нинг айланиб юрувчи вариантларини таҳлил қилиш жараёнида вирус эволюцияси нуқтаи назаридан қизиқиш уйғотадиган Delta ва Omicron рекомбинацияси натижасида пайдо бўлган вируснинг иккита рекомбинант варианты (ХD ва ХДВ мос равишда) аниқланган. 2020–2024 йилларда SARS-CoV-2 нинг айланиб юрувчи вариантларини ўрганиш вируснинг генетик турли хилларининг барқарор ўсишини кўрсатади (1-расм).

Ушбу жараён SARS-CoV-2 нинг ўзгарувчан эпидемиологик шароитларга мослашиши натижасида давом этувчи эволюциясини акс эттиради. Асосий омиллар қаторига вируснинг тарқалиш жараёнида юз берувчи табиий мутациялар, аҳолида ўтказилган инфекциялар ва вакцинация орқали шаклланган иммун босими, шунингдек, умумий саломатлик чора-тадбирларининг таъсирини киритиш мумкин.

Шундай қилиб, олинган натижалар SARS-CoV-2 эволюцияси фақатгина алоҳида, яхши мослашган вариантларнинг устунлик қилишидагина эмас, балки рекомбинант ва кам учрайдиган шаклларнинг пайдо бўлишида ҳам намоён бўлишини кўрсатади. Бу вируснинг генетик ўзгарувчанлиги фаол ва доимий характерга эга эканлигини тасдиқлайди. Аниқланган тенденциялар эпидемиологик вазиятни прогноз қилиш, ташхисот тизимларни


такомиллаштириш, даволаш ёндашувларни ишлаб чиқиш ҳамда вакцина стратегияларини янгилашда муҳим аҳамият касб этади.



1-расм. 2020-2024 йилларда SARS-CoV-2 нинг айланиб юрувчи вариантлари

2020–2024 йилларда Ўзбекистонда аниқланган SARS-CoV-2 нуклеотид кетма-кетликларининг филогенетик таҳлили вируснинг мамлакатдаги циркуляция тарихини реконструкция қилиш, тарқалиш йўллари аниқлаш ва эволюциянинг асосий босқичларини кузатиш имконини берди. Қиёсий таҳлил 2020 йил март–май ойларида олинган кетма-кетликлар Италия, Англия, Парагвай ва Россия кетма-кетликлари билан юқори даражада ўхшашлигини кўрсатди (2-расм) ва улар 20В клада В.1 вариантга тегишли алоҳида филогенетик шохни шакллантирди. Ухан референс вариантдан фойдаланиб қурилган филогенетик шохда Ўзбекистондаги Геномика ва Биоинформатика Марказининг 2020 йил октябрда тўпланган икки кетма-кетлиги ҳамда Санкт-Петербургда юкланган бир кетма-кетлик кластерланиб, 19В кладага тегишли А вариантга мансуб бўлган. Бу 2020 йил давомида мамлакат ҳудудида SARS-CoV-2 нинг эрта вариантнинг давоми циркуляциясидан далолат беради.

2020 йил октябрдан декабргача Ўзбекистондаги Геномика ва Биоинформатика маркази томонидан юкланган кетма-кетликлар 20В класига мансуб В.1.1 вариантнинг икки алоҳида шохини шакллантирди; биринчи шох Россия, Бельгия ва Испаниядан олинган кетма-кетликларга яқин, иккинчи шох Тайвань, Кувайт ва Шри-Ланкадан олинган намуналарга яқин бўлди. Бу маълумотлар умумий эволюцион алоқалар, умумий манба ёки ўхшаш генетик хусусиятларнинг мавжудлигини кўрсатиши мумкин.




2-расм. SARS-CoV-2 секвенсларининг филогенетик муносабатларини тавсифловчи дендрограмма

Изоҳ: ● бизнинг тадқиқотда олинган кетма-кетликлар кўрсатилган

Шундай қилиб, 2020 йилда Ўзбекистонда А, В.1 ва В.1.1 вариантларининг тарқалиши икки мустақил йўл орқали – Европа ва Осиёдан рўй берганлиги ҳақида гипотеза илгари сурилиши мумкин.

2021 йилда ўтказилган солиштирма филогенетик таҳлил март–май ойлари оралиғида тўпланган барча намуналар 20I кладига (В.1.1.7, Alpha варианты) мансуб бўлиб, етти шохга тақсимланганлигини ва Осиёнинг турли минтақалари, Европа, АҚШ ва Яқин Шарқнинг SARS-CoV-2 изолятлари билан кластерланганлигини кўрсатди. Баъзи кетма-кетликлар референслар билан умумий кластерларни шакллантирмаган бўлиб, бу уларнинг ноёб генетик хусусиятларга эга эканлигини кўрсатиши мумкин. SARS-CoV-2 нинг

айланиб юрвчи вариантларини тўлиқ баҳолаш учун ушбу намуналар Ўзбекистоннинг бошқа тадқиқотчилари томонидан 2021 йил июнь–июль ойларида олинган кетма-кетликлар билан солиштирилди. Филогенетик таҳлил учта вариантнинг мавжудлигини кўрсатди – Wuhan, Alpha ва Delta (3-расм). Wuhan вариантининг якка ҳолатлари май-июнь ойларида қайд этилган, Alpha варианты йилнинг биринчи ярмида тарқалган, июнь ойидан бошлаб эса Delta варианты устунлик қилган, бу ЖССТ томонидан қайд этилган глобал тарқалишга тўғри келади ва эҳтимол, 2021 йил август ойида иккинчи касаллик тўлқинини юзага келтирган, шу билан бирга апрель охири - май бошидаги касалликнинг олдинги ўсиши Alpha варианты билан боғлиқ бўлган бўлиши мумкин.



3-расм. Ўзбекистонда 2021-йилдаги SARS-CoV-2 секвенсларининг филогенетик муносабатларини тавсифловчи дендрограмма

Изоҳ: ● Wuhan, ● Alpha, ■ Delta


2022–2023 йилларда SARS-CoV-2 генетик хилма-хиллиги сезиларли даражада ошди, бу даврда Omicron вариантлари устунлик қилиб, аввалги Alpha ва Delta вариантларини бутунлай чиқариб ташлади. Ушбу даврда глобал тарқалиши 0,5% дан кам бўлган икки ноёб рекомбинант вариант аниқланди, бу вируснинг генетик қайта тақсимланиши жараёни давом

этаётганлигидан далолат беради. 2024 йилда SARS-CoV-2 фаоллиги сакланиб, тадқиқотга олинган когортада FliRT вариантлари устунлик қилган.

Шундай қилиб, олинган маълумотлар Ўзбекистонда SARS-CoV-2 нинг айланиб юрувчи вариантларининг динамикаси жаҳон трендларига мувофиқлигини тасдиқлайди, бу вирус тарқалишини прогноз қилиш ва COVID-19 га қарши чора-тадбирлар самарадорлигини баҳолаш учун комплекс молекуляр-эпидемиологик мониторингни давом эттириш зарурлигини таъкидлайди.

Диссертациянинг «**SARS-CoV-2 нинг муҳим мутацияларини аниқлаш ва уларнинг вирус эволюциясига таъсири**» деб номланган тўртинчи бобида 2020-2024 йиллардаги SARS-CoV-2 геномининг мутацион профили тавсифланган. 2020 йилда тадқиқ қилинган намуналарда ORF1b:P314L мутацияси 100% ва S:D614G мутацияси 53,3% ҳолда аниқланди ва сўнгги мутация вируснинг юқумлилигини ошириш ва пандемиянинг илк босқичда COVID-19 тарқалишини тезлаштириш билан боғлиқ бўлган. Олинган натижалар P314L ва D614G мутациялари SARS-CoV-2 геномида энг асосий бўлиб, вируснинг мослашиши ва тарқалишида ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлганлигини кўрсатди. 2021 йилда ORF1b:P314L ва S:D614G мутациялари барча намуналарда, шунингдек S:N501Y ва S:H69 мутациялари 97,0% ҳолатларда аниқланди. Ушбу мутациялар юқори юқумлилик ва нейтрализацияловчи антитаналар самарадорлигини камайтириши билан боғлиқ. Шунингдек, вируснинг хужайраларга кириш қобилиятини ошириш билан боғлиқ S:P681H мутацияси 63,6% намуналарда аниқланди. 2022 йилда иммунитетдан қочиш ва юқумлиликни ошириш билан боғлиқ K417N, S373P ва S375F - 81,6%, H69* - 65,3%, D614G – 49,0% ва N501Y - 44,9% каби S-оқсил мутациялари устунлик қилди. N генда RG203KR мутацияси 98,0% ҳолда устунлик қилди, NSP12b да эса, P314L мутацияси 98,0% ни ташкил этди. Ушбу йилда шунингдек, рекомбинант XD варианты аниқланди. 2023 йилда энг кенг тарқалган мутациялар K417N, S371F, S373F ва T376A бўлиб, улар 95,2% ҳолатларда аниқланди. Аҳамиятли мутациялар, жумладан N501Y ва N460K (ҳар бири 76,2%) ҳамда D614G (90,5%) вируснинг ACE2 рецептори билан боғланишини кучайтириш ва юқумлилигини ошириш билан боғлиқ. Тадқиқот давомида Delta ва Omicron вариантларининг рекомбинацияси натижасида SARS-CoV-2 нинг XDB рекомбинант варианты аниқланди. 2024 йилда SARS-CoV-2 S-оқсилида COVID-19 патогенезида муҳим аҳамиятга эга аҳамиятли мутациялар аниқланди. Энг кенг тарқалган мутациялар N501Y, D614G, F456L ва Q498R (90,4% ҳар бири) бўлиб, улар вируснинг ACE2 рецептори билан боғланишини кучайтириб, юқумлилигини оширади. Шунингдек, K417N, S373P (100% ҳар бири), S371F (96,2%), S375F (98,1%), N460K ва F486P (ҳар бири 90,4%) ҳамда H69*, N481K, R346T, R403K, R408S, Y505H ва RG203KR каби бошқа қатор мутациялар аниқланди, улар S-оқсилнинг антиген структурасини ўзгартириб, нейтрализацияловчи антитана ва иммун жавобидан қочишга ёрдам беради. Мутациялар таҳлили натижалари 2020–2024 йилларда вируснинг генетик хилма-хиллиги SARS-

CoV-2 ning аҳоли орасида пайдо бўлганидан буён мутацияларнинг секин-аста тўпланишидан далолат беради (4-расм).



4-расм. SARS-CoV-2 тўлиқ геномидаги ўртача мутациялар сони (2020-2024 йй.)

Шундай қилиб, SARS-CoV-2 ning турли геном қисмларида мутациялар тўпланиб бориши, вируснинг эволюциясини акс эттириб, бу айниқса рекомбинант вариантларни ўз вақтида аниқлаш учун доимий геном назоратини олиб бориш зарурлигини кўрсатади.

Диссертациянинг «COVID-19 ПЗР ташхисоти учун референс-панелини яратиш ва қўллаш» деб номланган бешинчи бобида референс-панелини яратиш ва уни маҳаллий ПЗР тўпламларининг ташхисот самарадорлигини баҳолашда қўллаш натижалари тақдим этилган. Референс-панельни яратиш ва тасдиқлаш учун турли тест-тўпламлардан фойдаланилди, бу ташхисот сифатини юқори даражада таъминлади. Референс-панельни яратиш ва верификация қилишда «Novel Coronavirus (2019-nCoV) Nucleic Acid Diagnostic Kit (PCR-Fluorescence Probing)» (Хитой), «ROSSAmed COVID-19 ISOTHERM» (Ўзбекистон), «АмплиПрайм SARS-CoV-2» (Россия), «Biotest-SARS-CoV-2» (Ўзбекистон) ва «BGI Real-time fluorescent RT-PCR kit for detecting 2019-nCoV» (Хитой) каби турли маҳаллий ва хорижий тест-тўпламлардан фойдаланилган, бу эса, ташхисот сифатини таъминлади. Тест-тўпламлар сифатини назорат қилиш учун «SARS-CoV-2 Analytical Q Panel» (Qnostics, Буюк Британия) халқаро стандарт панели қўлланилиб, натижаларнинг аниқлиги ва ишончилигини кафолатлаган. Референс-панельни шакллантириш учун 169 та назофарингеал суртмалар таҳлил қилинди, шулардан SARS-CoV-2 РНКси 121 тасида мавжуд, 48 тасида мавжуд бўлмаган, бу эса, тест-тўпламларни комплекс баҳолаш учун мусбат ва манфий намуналардан иборат мувозанатли панельни яратиш имконини

берди. Яратилган референс-панел пандемия даврида ишлаб чиқилган иккита маҳаллий COVID-19 ПЗР ташхисот тест-тўпламларини баҳолашда қўлланилди. Биринчи ишлаб чиқилган «Biotest-SARS-CoV-2» (МЧЖ «BIOTEST-LAB», Ўзбекистон) тўплами оптималлаштирилган, «ROSSAmed COVID-19 ISOTHERM» (МЧЖ «ROSSA», Ўзбекистон) эса, валидациядан ўтказилган.

«Biotest-SARS-CoV-2» маҳаллий тўпламининг оптималлаштирилиши бўйича клиник синовлар сезувчанлик ва спецификликни баҳолаш, шунингдек, роторли турдаги ускунасига мослаштириш бўйича тажрибалар, реакция аралашмасининг оптимал ҳажмлари ва ПЗР цикли шартларини аниқлаш, натижалар интерпретациясини бўсаға қийматлари орқали мослаштириш ва фон сигналларини бартараф қилишдан иборат бўлган. Оптималлаштириш натижасида тўпламнинг сезувчанлиги 90,3% дан 93,02% га (95% ИО: 80,9%-98,5%), спецификлиги эса, 77,8% дан 100% га (95% ИО: 89,4%-100%) оширилди.

«ROSSAmed COVID-19 ISOTHERM» тўплами валидацияси референс-панельдаги 78 та мусбат ва 15 та манфий намуналарда ўтказилиб, унинг сезувчанлиги 96,2% (95% ИО: 88,8%–99,2%), спецификлиги 100% (95% ИО: 78,2%–100%) эканлиги аниқланди.

Шундай қилиб, яратилган референс-панельдан фойдаланиш ПЗР-ташхисотида юқори аниқликни таъминлаб, маҳаллий «Biotest-SARS-CoV-2» тўпламини мақбуллаштириш ва «ROSSAmed COVID-19 ISOTHERM» тўпламини валидация қилиш имконини берди. Бу хорижий тўпламларга боғлиқликни камайтирди ва пандемия шароитида текширувларни ўтказиш тезкорлиги ҳамда ишончлилигини оширди.

Диссертациянинг «COVID-19 оғирлигини баҳолашда биомаркерларнинг аҳамияти» деб номланган олтинчи бобида хемокинлар, цитокинлар ва биокимёвий маркерлар кўрсаткичлари ўрганилган натижалар тақдим этилган. COVID-19 нинг оғир кечиши кузатилган беморлар ёши каттароқ бўлиши, шунингдек, касалхонага кечиктирилган ётқизиш касаллиқнинг оғирлашиши билан статистик жиҳатдан ишончли боғлиқлиги аниқланди (Джонкхира-Терпстра тести, $p < 0,001$). Жинсий хусусиятларга кўра оғирлик даражасида ишончли фарқ аниқланмади ($p > 0,05$), бироқ барча гуруҳларда аёллар устунлик қилди. Ёндош касаллиқлар орасида артериал гипертензия, юрак ишемик касаллиги, 2-тур қандли диабет ва тана вазни ≥ 30 бўлган семизлик кўпроқ учради, уларнинг частотаси COVID-19 оғирлашиши билан ошиб борди (1-жадвал). Энг кўп кузатилган асорат пневмония бўлиб, шунингдек, юрак-қон томир ва нафас етишмовчилиги, ўтқир респиратор дистресс-синдром ҳамда энцефалопатия ҳолатлари ҳам деярли кўпроқ учради ($p < 0,0001$).

